

Маккада Худоёрхон билан қандай воқеа содир бўлган?



11:30 / 26.04.2021 8144

1498 йил (бундан 523 йил олдин) – тарихчи Хондамирнинг маълумот беришича, Пули чироғ дарасида Хуросон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўттиз ёшли ўғли Бадиуззамон ўртасида қаттиқ жанг бўлди. Ота ва ўғил ўртасидаги уруш Султон Ҳусайннинг ғалабаси билан тугади. Бадиуззамон Қундуз томон чекинди. Бу ҳақда тарихчи Хондамир қуйидагича ёзади:

«Ана шу аҳвол асносида хислати мақтовга сазовор хоқон (Султон Ҳусайн) ўзининг иқболли соясини ана шу маъракага туширди. Бадиуззамон мирзонинг кўзлари подшоҳ байроғининг моҳчасига тушиши билан ўзини йўқотди ва шу тарзда отага қарши туришни ҳурмат юзасидан ақлга сиғмайдиган иш деб ҳисоблаб, ихтиёр ва зарурат юзасидан жанг

майдонини ташлаб чиқди ва юзини чекиниш водийсига қаратди...»

1879 йил (бундан 142 йил олдин) – «Туркистон вилоятининг газети»да Қўқоннинг собиқ хони Худоёрхон ҳақида хабар босилди. Бу вақтда Худоёрхон Оренбург сургунидан қочиб Яқин Шарқда юрган эди. У ҳукмронлик қилган Қўқон хонлиги ҳам руслар томонидан тугатиб юборилганди. Адабиётшунос ва тарихчи Шариф Юсуповнинг қайд этишича, хабарда бундай дейилган:

«Ушбу яқинда Макка мазмаъидин қайтиб келган бир ҳожи Худоёрхон тўғрисида айтган хабаридан зоҳир бўладурки, ушбу йил Худоёрхон Макка мазмаъиға бориб ҳаж қилғон экан. Худоёрхон хонлиғ вақтида бир кишини шаҳардан бадарға айлаб, тасарруфидаги амволларини хазинага олиб, ўзини ҳайдаб юборгандин сўнг ул бечора ночор ҳажға бориб, бир неча йилдин буён ўша тарафларда турғон экан.

Чун Худоёрхон ҳаж учун Макка мазмаъиға борганда, ул киши Худоёрхонни кўруб: «Эй ноинсоф, манга мунча жабр-зулм қилиб, ахийри ўзунгнинг ҳам ахволинг шул бўлдиму?» – деб тош бирла оғзига уруб, Худоёрхонни тишини синдирибдур. Баъдаз он хон ўшал ерни улуғларига арз қилиб, урган киши билан тафтишга тушган экан. Аммо ишлари нечук бўлуб битушгани маълум эмасдур. Ба ҳар тақдир худ шу кунларда Худоёрхоннинг ўзи Шом шаҳрида турган эмиш».

Бироқ ўзбек маърифатпарвари, шоир Исҳоқхон Ибратнинг ёзишича, воқеанинг якуни газетадаги хабардан бошқачароқ бўлган. Газетада ёзилганидек, у ўша ернинг улуғларига арз қилиб, урган киши билан тафтишга тушмайди, балки Маккадаги жазо идоралари айбдорга тўрт йиллик қамоқ жазоси белгилаганда, собиқ хон унинг гуноҳидан кечганлигини айтиб бу жазо юмшатишига эришади.

1917 йил (бундан 104 йил олдин) – «Улуғ Туркистон» газетасининг биринчи сони чиқди. Обуна учун «ғазитанинг баҳоси йиллик 7 сўм, олти ойлик 4 сўм, уч ойлик 2 сўм 25 тийин» нарх белгиланган. Газета 4 саҳифадан иборат бўлиб, унинг биринчи бети юқори қисмида эълон (реклама) ундан сўнг куннинг энг муҳим воқеаси баён этилиб, кейинги саҳифаларда «Телеграф хабарлари», «Сиёсий аҳвол», «Адабиёт», «Доҳилия хабарлари», «Туркистон хабарлари», «Тошканд хабарлари» ва яна охирида эълонлар ўрин олган.

Манба: uza.uz

Алишер Эгамбердиев тайёрлади